

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

577 Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 16 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2582-1

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»-ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 22 апрелдаги 22-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2582, 2014 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 234-модда) билан тасдиқланган Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди тўртинчи хатбошисидаги «2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли» деган сўзлар «2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

В. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 13 декабрь,
49-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Келишилган:

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

2016 йил 9 декабрь

Меҳнат вазири

А. АБДУХАКИМОВ

2016 йил 9 декабрь

*Қасаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2016 йил 9 декабрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2016 йил 9 декабрь